

Ҳазрат Навоий рўза ҳақида



20:51 / 29 март 2240

Ҳазрат Мир Алишер Навоий Ислом арконларидан, диний билимлардан етарлича хабардор бўлганларини яхши биламиз. Ҳазратнинг «Сирожул-муслимин» номли асари айнан Ислом рукнларига бағишланган.

Китобнинг битилиш сабабида келтирилишича, кунларнинг бирида бир самарқандлик ростгўй, билимдон зот Ҳазрат Навоийнинг ҳузурига келиб, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг илтимосини етказди. Хожа Аҳрор Ҳазрат Навойдан Ислом динидаги рукнлар, фарз, суннат ва вожиб амаллар хусусида содда, ҳаммага тушунарли тилда назмий рисола битишни илтимос қилган эканлар.

Навоийнинг ўзлари ҳам анча пайтдан бери худди шу мавзуда асар битишни режалаштирган эканлар. Шу боис тез кун асар ёзиб битказилади. Биз қутлуғ Рамазон ойида ушбу асардан олинган, рўза ҳақидаги парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

*Эрур тўртунчи (рукни) Исломнинг савм,
Ки, ўтган кимсага тақво била явм.
Чу рўза бўлди йилда бир ой,
Анинг ижросида бўл нафсфармой.*

*Ани бил субхдин то шом чоғлиқ,
Таому шурбу шахватдин йироғлиқ.*

Тақво билан кун ўтказувчи кимса учун Ислоннинг тўртинчи рукни рўзадир. Рўза бир йилда бир ойдир. Уни бажариш учун инсон ўз нафсини қўлга олиши керак бўлади. Шунин билки, тонг отганидан то шом киргунича, ейиш, ичиш ва жинсий яқинликдан узоқ бўлиш керак.

*Эрур бу рўзада ният санга фарз,
Валекин неча авло айладим арз.
Навофилда валс ниятни қилмоқ,
Санга жоиздурур туштин бурунроқ.*

Рўзадан аввал ният қилиш фарздир. Лекин имкон даражасида тушдан аввалроқ ният қилиш маъқул саналади.

Чибин ё пашшадек ҳар жинси ҳосил,
Эмас бўғзунгга кирса рўза ботил.
Агар чивин ёки пашшадек нарсалар томоққа кирса рўза бузилмайди.
Тузу сирка тоторға аҳли идрок,
Тенгурса тил учун эмас анга пок.

Ақли комил кишилар туз ёки сиркани тил учи биан татиб кўрсалар бунинг зиёни йўқ.

Яна улким, ҳижомат қилсаю қасд,
Ғам эрмас, рўзаға чун қилмамиш қасд.
Яна ҳижома қилдирса, яъни қон олдирса бу ҳам рўзага зиён етказмайди.
Ғар ўтмак тифл учун чайнар аноси,
Раводур ғар яна йўқтур ғизоси.
Вале билмак керактур ани макруҳ,
Керак макруҳдин хотирда андуҳ.
Шунингдек она ўз боласига нон чайнаб берса, ўзи ютиб юбормаса, бу ҳам рўзани синдирмайди. Лекин бу макруҳ саналади. Имкон қадар макруҳ амалларга йўл бермаган яхшироқдир.
Унутиб ғар есанг, ичсанг эмас ғам,
Эрур ул рўза боқий, эй мукаррам.

Билмасдан еб-ичиб қўйса, кейин рўзани давом эттириб кетаверса, бунда ҳам рўзага зарар етмайди.

Шунингдек ҳазрат Навоий бу бобда рўзанинг каффортига ҳам алоҳида тўхталиб ўтганлар:

Агар бебоклик ойини туздук,
Физонинг ғайри бирла рўза буздук.
Физо еб рўза улким, қилса зойил,
Ва ё нафси бўлиб шаҳватға мойил.
Каффорат олтмиш мискинга итъом,
Эрур ё олтмиш кун савми ноком.

Агар ҳеч нарсадан андиша қилмасдан, овқат ё бошқа нарса билан қасдан рўзани синдириб қўйсақ, яна кимдир таомланиб, шаҳватини қондириб, рўзани бузса, (бир кун учун) олтмиш нафар мискинни тўйдириши ёки олтмиш кун рўза тутиши керак бўлади.

Ким, ул кунларнинг ўлғай иттисоли,
Йўқ эрса солим эрмас рўза ҳоли.
Ва ё бир банданинг кўнглин қилиб шод,
Анга Тенгри йўлинда қилмоқ озод.

Шу тариқа рўза тутилмай қолган кунларнинг ўрнини тўлдириш мумкин. Акс ҳолда рўза мукамал бўлмайди. Ё бўлмаса бир банданинг кўнглини шод қилиб, уни қулликдан қутқариш керак бўлади. Валлоҳу аълам!

Рустам Жабборов
«Ҳилол» журналининг 11(56) сонидан